

Ислом жамиятидаги дастлабки шифохоналар сифатида пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам даврларидаёк пайдо бўлган кўчма касалхоналарни кайд этиш жоиз. Бу касалхоналар мусулмон кўшини билан биргаликда кўчиб юрарди. Ушбу анъана Ислом тамаддунининг бутун тарихи давомида сақланиб келди.

Хижратнинг 706 йилида Дамашкда уммавийлар халифаси Ал-Валид томонидан қурилган биринчи тўлақонли шифохона вужудга келгунга қадар бир неча ўн йиллар ўтди. Бу шифохонада турли касалликларга чалинган беморлар (жумладан кўзи ожизлар ва хатто моховлар ҳам) даволаниши мумкин эди. Ушбу дастлабки шифохонанинг жихозлари, ходимлари ва ундаги ишнинг ташкил этилиши келажакда юзага келадиган шифохоналар учун намуна бўлиб келди.

Шунингдек, Багдодда ҳам Хорун ар-Рашид ва ал-Мансур томонидан шифохоналар қурилди. Кохирада биринчи шифохона 872 йилда Фустатда, шаҳар волийси Ибн Тулун даврида таъсис этилди.

XII асрга келиб, шифохоналар илгор илм-фанни ривожлантириш муассасаларига айландилар. 1156 йилда Нуруддин Занги томонидан барпо этилган ан-Нурий шифохонаси бунга мисол бўла олади. Шифохонада беморлар яхшилаб даволанар, шунингдек, сифатли ва тўйимли овкатлар билан парваришланар эди. Бундан ташқари, шифохонада таълим олишни истовчилар учун катта кутубхона ҳам бор эди.

Султон Коловун Мансур Кохирада Дюрант томонидан тавсифланган, ўша даврнинг энг улкан шифохонасини қуради.

Тўртбурчак шаклдаги бу улкан тиббиёт иншоотининг ховлисида тўртта мухташам бино қад ростлаган бўлиб, теварак-атрофни фавворалар ва арикчалар салқинлатиб турган. Шифохонада турли касаллик учун алоҳида бўлимлар, тузалаётган беморлар учун алоҳида хоналар, шунингдек, лаборатория, лазарет, амбулатория, пархез таомлар ошхонаси, ھаммомлар, кутубхона, маърузалар зали бўлган, бундан ташқари, шифохонада рухий ҳасталар учун энг қулай яшаш шарт-шароитлари муҳайё қилинган. Даволаниш эркагу аёл, бою камбағал, қуллару хурлар учун беқул бўлган. Колаверса, тузалаётган беморларга йўл ҳақи тўланган, шу туфайли эндигина соғайиб, уйига қайган кишилар тезда ишга чиқишга мажбур бўлмаган. Кўзи ожиз беморлар учун майин мусика чалиниб турган, бадийий сўз усталари уларга тарих китобларини ўқиб берганлар.